МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИ ВА РАҲБАРЛАРИ МАЛАКАСИГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

Г.Н.Ибрагимова – *педагогика фанлари номзоди*
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: мактабгача таълим, таълим жараёни, модернизациялаш, педагогик бошқарув, раҳбар, педагог ходимлар.
Ключевые слова: дошкольное образование, образовательный процесс, модернизация, педагогическое управление, руководитель, педагогические работники.
Key words: preschool education, education process, modernization, pedagogical management, leader, pedagogical staff.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълими вазирлиги мактабгача таълим муассасаларини янги давр талаблари асосида ислоҳ қилиш, болаларни мактабга тайёрлашни такомиллаштиришга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари биноларини реконструкция қилиш, болаларнинг ҳар томонлама ривожланишлари учун қулай шароилар яратиш давлат сиёсатида устувор ўрин эгалламоқда. Шу нарса аёнки, мактабгача таълимни янги сифат босқичига кўтармасдан туриб, мактаб таълимини самарали ташкил этиш мумкин эмас. Бу фикр ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўз тасдиғини топмоқда. Мактабгача таълимни жиддий ислоҳ қилмасдан туриб, мактаб таълимини такомиллаштириш, янги сифатга эга бўлган шахсни шакллантириш имконсиздир.

“Бугунги кунда мактабгача таълим олдида турган энг муҳим муаммо нимадан иборат? деган ҳақли савол туғилади. Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача таълим муассасаларида болалар учун ҳар доим ҳам етарлича шарт-шароитлар мавжуд эмас. Мавжуд вазиятни яхшилаш учун давлат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бериши билан бир қаторда бу соҳада янги-янги муаммолар вужудга келяпти. Айрим шаҳар ва вилоятларда болаларни мактабгача таълим муассасаларига жойлаштириш учун ота-оналарнинг навбат кутиб қолишларида намоён бўлмоқда. Баъзи бир ҳудудларда эса мактабгача таълим муассасаларида қамров даражасининг ниҳоятда пастлиги кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, 1-синфга қабул қилинган ўқувчиларнинг ақлий-интеллектуал, маънавий ривожланишлари, мактабга тайёрлик даражалари орасида катта тафовутларнинг мавжудлигига сабаб бўлляпти. Республикамиз ҳудуди бўйлаб мактабгача таълим муассасаларида қамров даражасининг турли-туманлиги ҳисобига умумий қамров 26%ни ташкил этмоқда. Шунга кўра 74% болалар мактаб таълимига етарлича тайёр бўлмаяптилар. Бу эса 1-синфга қабул қилинган ўқувчилар орасида руҳий, ақлий-интеллектуал, маънавий тафовутларнинг катталигига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бундай тафовутни имкон қадар бартараф этиш учун мактабгача таълимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Мактабгача таълим муассасалари учун янги бинолар қурилмоқда ва мавжудлари реконструкция қилинмоқда. Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш мақсадида янги дастурлар ва методик мажмуалар яратилмоқда. Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари ҳамда мактаблар ҳузурида тайёрлаш синфлари ташкил этиш режалаштирилмоқда. Мактабгача таълимни модернизациялашда 3 ёшдан бошлаб болаларни мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш назарда тутилмоқда. Бу мактабгача таълимни ислоҳ қилишнинг дастлабки йўналиши ҳисобланади. Шу билан бир қаторда мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса мактабгача таълим сифатини яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатади.

Мактабгача таълимнинг давлат талаблари ҳам янги ижтимоий буюртмадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди. Бу талаблар асосида мактабгача таълимни янги сифат босқичига кўтариш назарда тутилмоқда. Шу билан бир қаторда мактабгача таълим муассасаларини босқичма-босқич ахборот технологиялари, спорт анжомлари, ўйин майдончалари, ўқув-лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш амалга оширилмоқда.

Ҳар қандай ислоҳот жараёнида бўлгани каби мактабгача таълимни модернизациялашда ҳам педагог кадрларни ўқитиш, тайёрлаш муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, уларнинг мактабгача таълим муассасаларини бошқаришга оид билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Чунки мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва педагог ходимларда мазкур таълим муассасаларини бошқаришга оид билимлар, бошқарув даражалари ҳақидаги тасаввурлар етарлича шаклланмаганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу билан бир қаторда мактабгача таълим бўйича олий таълим муассасасини битираётган ёш мутахассисларда ҳам ўз бошқарув даражалари кўламини тўлиқ тасаввур қила олмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим муассасалари учун педагог ходимлар тайёрлаш жараёнини мактабгача таълим муассасаларини бошқариш, мазкур бошқарувнинг даражалари, ҳар бир даражанинг қамров имкониятлари, объектлари ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш, шу мақсадда, таълим мазмунига қўйидаги педагогик тавсифларни киритиш талаб қилинмоқда. Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари ва раҳбарлари малакасига қўйиладиган янги талаблар мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг малакасини ривожлантиришга қўйиладиган умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда белгилаб берилади. Бунинг учун мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатадиган бўлажак мутахассисларнинг машғулотларига қўйиладиган стандарт талабларни такомиллаштириш лозим.

Мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатадиган раҳбар ва педагог ходимлар болаларнинг иқтидорларини эрта аниқлаш методикалари билан қуроллантирилишлари мақсадга мувофиқ. Шунингдек, бўлажак педагогларнинг лаёқатлари ва касбий шаклланишларини қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир мактабгача таълим муассасаси педагоглари қўшимча касбий дастурларни ўзлаштирган бўлишлари лозим. Бир сўз билан айтганда, мактабгача таълим соҳасини модернизациялаш Қонунлар ва топшириқлар мажмуини ўз ичига олган яхлит тизим ҳисобланади. Улар янги жамиятни шакллантириш жараёнида алоҳида ва биргаликда ҳаракат қилади. Бундай фаолият натижасини сифатли баҳолаш имкониятлари йилдан йилга кенгайиб бориши учун дастлаб бўлажак мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларни мактабгача таълим муассасасини бошқариш методикалари билан қуроллантириш зарурияти кучаймоқда. Чунки мактабгача таълим муассасаларини сифатли

бошқариш бўлажак мутахассисларнинг бу соҳадаги билим ва тажрибалари, касбий компетенцияларига бевосита боғлиқ. Шу билан бир қаторда мактабгача таълим сифатини ва самарадорлигини таъминлаш орқали мактабгача катта ёшдаги болалар ривожланиш даражасида фарқлар ва тафовутларни бартараф этиш имкониятлари кенгаяди.

Мактабгача таълим муассасаларини бошқариш таркиби ўзига хос бўлиб, яккабошчиликка асосланган мустақил бошқарув фаолиятида намоён бўлади. Мустақил бошқариш шакли педагогик кенгаш ҳамда ходимларнинг умумий йиғини ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасаларини самарали бошқариш учун педагогик жараённинг барча иштирокчиларини бошқарув фаолиятига жалб этиш механизмларини яратиш талаб қилинади.

Ўзининг характерига кўра бошқарув фаолияти тадқиқотчилик фаолиятига яқин бўлиб, педагогик ва бошқарув ахборотларини танлаш, таҳлил қилиш асосида ташкил этилади. Мактабгача таълим муассасаларини бошқариш тизими иккита таркибий қисмдан иборат. Ушбу фаолият мактабгача таълим муассасаси Устави ва тегишли Низомлар асосида тартибга солинади. Чунончи:

I таркибий қисм – мустақил бошқариш:

- Педагогик кенгаш;
- Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг умумий йиғилиши;
- Муассаса кенгашидан иборат.

II таркибий қисм – маъмурий бошқарувдан иборат бўлиб, у тизимли таркибга эга, яъни:

I даража – мактабгача таълим муассасаси мудираси.

Мактабгача таълим муассасаси мудираси муассаса фаолияти учун шахсан масъул бўлиб, молиявий ҳисобларни ташкил этиш, хўжалик операцияларини бажаришда қонунчиликка амал қилиш, тарбияланувчилар, давлат, жамият, уларнинг ота-оналари олдида масъулиятли бўлиш ҳамда лавозим вазифаларига мос тарзда Халқ таълими вазирлиги ёки унинг ҳудудий ташкилотлари олдида ҳисобдор бўлиш, лавозим вазифаларида белгиланган кўрсатмаларга амал қилиш, таълим муассасасининг меҳнат шартномалари, Устави, малака талаблари кўрсатмаларини бажариш бевосита унинг зиммасида бўлишини олий педагогик таълим жараёнида талабаларга англатиш лозим.

Мактабгача таълим муассасаси мудирасининг бошқарув фаолияти қуйидагиларни таъминлаш имконини беришини ҳар бир талаба онгига етказиш талаб этилади. Улар:

- Моддий, ташкилий, ҳуқуқий, таълим жараёнини бошқариш вазифасини бажаришга имкон берадиган ижтимой-психологик шарт-шароитларни яратиш;
- Мактабгача таълим муассасаси мулкини бевосита тасарруф этиш;
- Меҳант қонунчилиги асосида ишга қабул қилиш ҳамда уларни вазифасидан озод этиш, ходимларни жой-жойига қўйиш, мактабгача таълим муассасаси ходимларини рағбатлантириш, изланишга ундаш;
- Мактабгача таълим муассасасида соғлом педагогик муҳитни яратиш;
- Мактабгача таълим вазирлиги олдида мактабгача таълим муассасаси фаолияти учун масъуллигини англаш;
- Ўз касбий компетенциялари доирасида буйруқлар чиқариш, кўрсатмалар бериш кабилар.

Мактабгача таълим муассасаси мудирасининг бошқарув объекти жамоанинг барча аъзоларини қамраб олади.

Мактабгача таълим муассасаларини бошқаришнинг II даражаси - мактабгача таълим муассасаси методисти ҳамда хўжалик ишлари мудири.

Бошқарув объекти лавозим вазифалари билан боғлиқ ҳолда жамоанинг муайян қисми, яъни тарбиячиларни қамраб олади. Методист мактабгача таълим муассасаси ўқув-тарбия жараёнига раҳбарлик қилади. У ҳар бир педагогнинг болалар билан ишлашдаги ўрнини белгилайди, тарбиячиларни ўз олдиларига қўйилган вазифаларини ечишга сафарбар қилади, мактабгача таълим муассасаси олдига Ўзбекистон давлати ва жамияти томонидан қўйилган вазифаларни бажаришда фаоллик кўрсатади, тарбиячиларнинг педагогик фаолиятига илмий-методик раҳбарликни амалга оширади, мактабгача таълим соҳасини ислоҳ қилишга оид янги Қарорлар, Фармонлар, Дастур ва Низомлар билан педагог ходимларни яқиндан таништиради. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ота-оналари ва маҳалла фаолларини ҳам педагогик вазифаларни бажаришга жалб этади.

Хўжалик ишлари мудири мактабгача таълим муассасаси биноси ва жиҳозларнинг сақланиши учун масъул бўлиб, педагогик жараённинг моддий-техникавий таъминотини ташкил этади, мактабгача таълим муассасаси биноси ва ҳудуди бўйича тозалик ва тартибни таъминлайди, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнатини ташкил этади ва ёнғинга қарши хавфсизлик чора-тадбирларини амалга оширади. Мактабгача таълим муассасасида эпидемияга қарши кураш чораларини ташкил этади.

III даража – тарбиячилар, мутахассислар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар. Уларнинг бошқарув объекти тарбияланувчилар ва уларнинг ота-оналаридир.

Ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида мактабгача таълим муассасасида Педагогик кенгаш фаолият кўрсатади. Мазкур кенгаш фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари билан ҳам талабаларни яқиндан таништиришни назарда тутишлари лозим. Чунки бўлажак мутахассислар бундай кенгашлар фаолияти ҳақида тасаввурларга эга эмасликлари амалиёт жараёнида яққол намоён бўлди. Педагогик кенгаш коллегиал характерга эга бўлиб, мактабгача таълим муассасаси педагоглари фаолиятини бирлаштиради. Педагогик кенгаш мактабгача таълим муассасаси мудири томонидан тасдиқланган "Педагогик кенгаш ҳақидаги Низом" асосида иш кўради. Педагогик кенгашга мактабгача таълим муассасаси мудираси раислик қилади. Педагогик кенгаш:

- Таълим мазмунининг турли вариантлари, ўқув-тарбия жараёнининг шакллари, методлари ва уни амалга ошириш усулларини танлайди ва муҳокама қилади;
- Педагог ходимларнинг малакасини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини ривожлантиришни ташкил этади;
- Педагог ходимларнинг номзодини мукофотларга тавсия этади;
- Мактабгача таълим муассасасининг йиллик иш режаси, ўқув режаси, машғулотлар жадвали, таълим дастурларини муҳокама қилади ва тасдиқлайди.

Педагогик кенгаш аъзолари мактабгача таълим муассасаси фаолиятини яхшилашга қаратилган таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Мактабгача таълим муассасасининг Педагогик кенгаши тасдиқланган йиллик иш режа асосида фаолият кўрсатади. Мактабгача таълим муассасаси Педагогик кенгашининг қарори аъзоларнинг 2/3 қисми қатнашганда ва улар 50% овоз бергандагина ҳуқуқий асосга эга бўлади. Унинг қарори мактабгача таълим муассасаси мудири буйруғи билан тасдиқланади.

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг умумий йиғилиши зарурият туғилганда бир йилда камида 2 марта ўтказилади. Йиғилиш ходимларнинг 50% иштирок этгандагина қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Мактабгача таълим муассасаси умумий йиғилиши компетенцияларига қуйидагилар киради:

- Жамоавий шартномаларни қабул қилиш;
- Мактабгача таълим муассасаси мудираси билан жамоавий шартномалар тузиш, унга ўзгартиришлар киритиш, уни тўлдириш ҳамда бажарилишини назорат қилиш ҳақида музокаралар ўтказиш учун вакилларни белгилаш;
- Жамоавий шартномаларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларни тинглаш кабилар.

Кўриниб турибдики, мактабгача таълим муассасаларини бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари билан талабаларни тизимли тарзда таништириб бориш уларда бошқарувга хос билим ва тажрибаларни шакллантириш имконини бериб, истиқболдаги педагогик фаолиятларининг самардорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ахмедова Н.Қ. Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш назарияси ва амадиёти: Монография. – Тошкент: “Фан”, 2013.109-б.
2. Вазина К.Я., Петров Ю.Н., Белиловский В.Д. Педагогический менежмент. – М.: Педагогика, 1991. –С. 136.
3. Валихўжаева Ф.Б. Талабаларни МТМда болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш. Пед. Фан. номз.дисс. –Тошкент: 2005. 139-б.
4. Мамедов К.К. Мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш хусусиятлари. Псих. фан. доктори. Автореферат. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. –Т.: 2004. 50-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим, мактабгача таълимнинг сифати, мактабгача таълимнинг давлат талаблари ҳам янги ижтимоий буюртмадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, мактабгача таълим соҳасидаги ислоҳотлар каби масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросам усовершенствования качества дошкольного образования, государственных требований, предъявлямых к нему с учётом новых социальных заказов, а также вопросам проводимых реформ в сфере дошкольного образования.

SUMMARY

The article is devoted to the issues of preschool education development of the quality of preschool education, improving pre-school education based on new social order and requirements on preschool education put by the state, and reforms in the sphere of preschool education.

ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛҚЫНДАҒЫ ЫРЫМ ХӘМ ТЫЙЫМ СӨЗЛЕРДИҢ ТӘРБИЯЛЫҚ ӘҲМИЙЕТИ

А.С.Исмайлов – *изленийши*

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: анъана, урф-одат, ирим, миллий тарбия, одоб-ахлоқ, маънавият, насиҳат.
Ключевые слова: традиции, обряды, суеверия, национальное воспитание, этика, эстетика, духовность, заветы.
Key words: traditions, rituals, superstition, national education, ethics, aesthetics, spirituality, covenants.

Халқымыз ҳәмме ўақыт жәмийеттеги ҳәм жеке турмыстағы әҳмийетли ўақыяларды салтанатлы түрде белгилеўди үрдис етип, әсирлер даўамында өз дәстүрлерин, үрпәдетлерин қәлиплестиреди ҳәм оны жәмийетлик турмыс елегинен өткереди. Бул дәстүрлер, салт-саналар, үрпәдетлер өз нәўбетинде ол адамлардың дүньяға көзқарасына, әдеп-икрамлық сыпатларына тәсир етип орынланады. Дәстүрлер, салт-саналар, үрп-әдетлер халықтың психикалық өзгешелигин, мәдений раўажланыўының дәрежесин көрсетиў арқалы, оларды басқа халықлардан айырып туратуғын белгилердиң де түри болып есапланады. «Ҳәр елдиң салты басқа»… деўдиң мәниси де усында.

Дәстүрлер белгили бир үлкен жәмийеттиң, жәмәәтшиликтиң руўхый талабының тийкарынан келип шығып, өзгеше бир белгилери, қәсийетлери арқалы көзге түсип сол адамларды бириктириўдиң ҳәм беккемлеўдиң күшли қуралы болып есапаланады. Соның менен қатар дәстүрде, үрпәдетлерде адамлар өзине-өзиниң жеке қатнасын таныйды. Бунда адамлардың дүньядағы затларға ҳәм тәбиат қубылысларына жеке миллетлик ҳәм кәсиплик өзгешелиги пайда болады.

Дүньядағы барлық халықлардың әсирлер бойы тәртипленип, жыйнақланған үлгили, даналық сөзлери менен үрп-әдети, салт-дәстүрлери бар. Бул үлгили сөзлер өмир шынлығы, халықтың турмыс-салты менен тиршилигин, халықтың руўхыятына, жәмийеттиң раўажланыўына әҳмийети жүдә үлкен. Уллы адамлардың ҳәр түрли мазмунда айтқан ой-пикирлерине, үлгили сөзлерине ой жүўырта отырып, олардың тийкарында салт-дәстүрлер менен тамырлас ырымлар менен тыйымлардың турғаны гүмансыз. «Ел боламан десең бесигиңди дүзе» дегениндей, уллы инсанларды тәрбиялаўда ата-бабаларымыз жолы, нақыл-мақаллар, шешенлик сөзлери менен қатар биз сөз етип атырған тыйым сөзлер менен ырымларға да итибар қаратыў лазым.

Бүгинги күнде тәрбиядағы баслы бағдар – ҳәр бир инсан ең алды менен өз халқының перзенти, өз ўатанының азаматы болыў керек екенин ядымызда тутыўымыз керек. Сонлықтан ата-бабаларымыздың даналығы менен аналарымыздың ақыллылығы, тәрбиясы арқалы халық дәстүрлерин инсан бойына балалықтан сиңдириў әҳмийетли. Ырымлар менен тыйымлар арқалы бала бойына халықтың ең қунлы тәрбиясы–бабалар салтын сақлап, миллийлик тийкарында тәрбиялаўдың өзеги деп айта аламыз. Сонлықтан ҳәр бир әўладты өтмиш талапларын, ҳақыйқый факторлар тийкарында жеткиншек әўладты таярлап, оны жыйнақлаған тәжирийбе арқалы тәрбиялай отырып, өзиниң ата-бабаларының руўхый мийрасын даўам етип барыўы керек [2:28].

Халқымыздың тәрбиялық қуралларының күнделикли қолланылатын үлги, түрлериниң бири-тыйым сөзлер. Бул сөзлер еси кирген балаларға жаман әдет, жат пейил, орынсыз қылық, терис минезлерден сақландырып барған. Бул-балалар менен жасларға «жийрен жаман әдеттен» дегендей, жаман ислерден сақландырып, жақсылыққа еликлеў, мақсетинен шыққан таза халықлық педагогикалық түсиник. Мине, усы арқалы олар адамды унамсыз минез, орынсыз жаман қылықлардан сақландырып турады. Мәселен, халық түсинигинде дизени қушақлаў - жалғыз қалыўдың, жас үлкенниң жолын кесиў - әдепсизликтиң, қолды төбеге қойыў ел-журттан безиниўдиң, асты төгиў - ысырапшылықтың белгиси деп билген ҳәм ондай ерси ислерге қатаң тыйым салған. Ел ишинде тыйым түрлерине байланыслы сөзлер көплеп ушырасады.

Халқымызда «баланы – жастан» деген сөз бар. Усыған бола биз балаға жақсы менен жаман ҳаққында көп нәрселерди үйретиўмиз, гейде белгили бир нәрселерден тыйып отырыўымыз керек. Көп жағдайда, мысалы, «жағыңды таянба», «табалдырықты басып турма» деп айтқанымыз бенен, балаға оның мәнисин-мағанасын түсиндирместен, «жаман болады» – деп бир аўыз сөз бенен шеклеймиз. Мине, усы мәселеге нәзер аўдаратуғын болсақ, балаға «болмайды, ислеме, жаман болады» дегеннен көре неге олай ислеўге болмайтуғынын айтар болсақ, есинде сақлап жүрери анық.

Тыйым сөзлердиң биразы қыз баланың тәрбиясына тик